

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ОЛИЙ
ТАЛИМ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИНИ АМАЛГА
ОШИРИШДА МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР”**

Есимбетов Адилбай Тлепович

*Самарқандада давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва
биотехнология университети Нукус филиали. Б.Ф.Н. Доцент*

Рашидов Бекжон

*Самарқандада давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва
биотехнология университети Нукус филиали асистенти*

Алламбергенов Даuletбай Мухтарович

*Самарқандада давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнология
университети Нукус филиали. Талаба @dauletbayallambergenov*

Базарбаева Бибинур

*Самарқандада давлат ветеринария медицинаси чорвачилик ва
биотехнология университети Нукус филиали. Талаба*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида Мактабгача таълим ва олий талим тизимининг жорий ҳолати, мавжуд муаммолар, ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва уларни амалга ошириш механизmlари, мактабгача таълим тизимини ривожлантириш концепциясини амалга оширишдан қутилаётган натижалар ҳақида атрофлича фикр ва мулоҳаза юритилган. Стратегик мақсадларни амалга ошириш чора тадбирлари ва механизmlарига доир таклифлар берилган. Олий таълим тизимини ривожлантиришда илм-фанни ўрни, унинг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар ҳақида қисқача фикр юритилган, бундан ташқари илм-фанни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва мақсадларини амалга ошириш механизmlари ҳамда илм-фанни ривожлантириш концепциясини амалга оширишдан қутилаётган натижалар ҳақида фикрлар баён қилинган.

Annotation: This project provides a comprehensive overview of the current state of the higher education system in the Republic of Uzbekistan, the existing problems, strategic goals of development and mechanisms for their implementation, the expected results from the implementation of the concept of higher education. Recommendations on measures and mechanisms for the implementation of strategic goals are given.

The role of science in the development of higher education, its current status and existing problems were briefly discussed, as well as the mechanisms for implementing the priorities and goals of science development and the expected results of the implementation of the concept of science development.

Мавзусининг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасида мактабгача талим ва олий таълимни тизимли кейинги 30 йил мобайнида маълум бир

ривожланиш босқичида қотиб қола бошлади. Кадрлар масаласининг етишмаслиги илмий салоҳиятнинг пасайиб бориши ўз навбатида ўқитиш системасида маълум бир бўшлиқларни келтириб чиқара бошлади, бу эса ўз навбатида таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат тарақиётини белгилаш учун олий таълимнинг устувор йўналишларини белгилаш, талабаларга замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдек энг муҳим масалаларни ўртага ташлади.

Олий таълимнинг бош мақсади мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни экан, бу ўз навбатида талабаларнинг таълим олишини сифат жиҳатидан янги босқичга қутариш, талабаларнинг билим ва кўникмаларини ишлаб чиқариш билан узвий боғлашни давр тақазо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Фармони¹, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси деб номланиб, ушбу фармонда олий таълимни босқичма босқич ислоҳ қилиш, олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни йўлга қўйиш ва бунинг натижасида чин маънода рақобатни шакллантириш ва олий таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш назарда тутилган. Соғлом рақобатнинг ривожланиши мамлакатда иқтисодиётнинг шаклланиши, олий таълим тармоқ таркибининг янгиланиши, глобаллашув жараёнлари меҳнат бозорини модификация қилиш, ижтимоий-иқтисодий тизимлар олдида турган зарур кадрларни излаб топиш масаласини келтириб чиқаради. Меҳнат бозори имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳисобига олий таълимда кадрлар салоҳиятини инновацион ривожлантиришни бошқаришнинг янги механизмларини излаб топиш масаласини давлат-хусусий шерикликни асосида фаолият олиб бораётган олий таълим олдига долзарб вазифа қилиб қўйди.

Етарлича консерватив бўлган ва ўз функцияларида чекли бўладиган ижтимоий университетдан бундай янгича типдаги университет инновацион иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ривожланишидаги марказий бўғинга – конкрет минтаقا ва мамлакатнинг, шунингдек, глобал жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини маҳсулдор жараёнга айлантирадиган илмий-таълим ва инновацион марказга айланади²

Олий таълим олдида турган энг муҳим масалалардан бири янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва уларни олий таълим жараёнига кенг татбиқ этишни ташкиллаштириш, олий таълимни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан тўлиқ таъминлаш, шу жумладан ахборот ресурс марказлари учун янги хорижий адабиётлар сотиб олиш ва таржима қилиш, китобхона

¹ <https://lex.uz/docs/4545884>

² Фрумин И. Д., Лешуков О. В. Университеты как драйверы социально-экономического развития регионов / Федеральный справочник. Образование в России Т. 12: Модернизация учебных заведений. Взаимодействие с бизнесом в регионах Российской Федерации. М.: АНО "Центр стратегических программ", 2017. С. 192-199.

фондини мунтазам янгилаб бориш талабаларнинг таълим олишга бўлган қизиқишини янада оширади.

Илм-фанинг устувор вазифаси ва йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, олийгоҳлардаги илмий лабораторияларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, таълим сифатини ошириш учун ахборот-коммуникация воситалари ва дастурий таъминот даражасини замон талабларига мослаштириб бориш талабаларнинг ақлий салоҳиятини оширади.

ПФ-5847-сон Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида фармонда олдимизга қўйилган муҳим мақсадлардан бири Республикадаги камидаги 10 та олий таълим муассасасини бутун жаҳонда эътироф этилган (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Academic Ranking of World Universities ёки Times Higher Education) ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари қаторига, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини 500 талик ўриндаги олий таълим муассасалари қаторига қўшиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хозирги даврда олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичмабосқич кредит-модуль тизимида ўтиши ва жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, олий таълимнинг илфор таълим стандартларини жорий этиш, хамда ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичмабосқич ўтишни тақазо этади.

Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ижтимоий ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига асос бўладиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган, рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.12.2021 йилдаги ПҚ-60-сон қарори, давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида бўлиб унда

- 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган олий таълим ташкилотлари ўқув режалари ва шу асосида ўқув дастурлари, касбий малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга олий таълим муассасасида таълим тилини, таълим йўналишлари хамда мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олишнинг шаклини белгилаш ҳуқуқига эга бўладилар;

Стратегик мақсадлардан яна бири олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини яхшилаш, шу жумладан халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини кенг жалб қилиш ҳисобига таъминотни яхшилаш, олий таълимни босқичмабосқич ўзини ўзи

молиялаштириш тизимиға ўтказиб, молиявий барқарорлигини таъминлашга эришиш муҳим ва бажарилиши шарт бўлган ишлардан бири десак янгишмаймиз.

Ҳозирги вақтда оқсаётган жараёнимиз олий таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субектлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйилмаганлиги.

Жамиятда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини, шу жумладан имконияти чекланган ва ногоронлиги бўлган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, шу жумладан улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш бош мақсад қилиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар. Ҳозирда Ўзбекистонда 166 та олий таълим даргоҳи мавжуд. Ушбу олий таълим даргоҳларининг жойлашиши куйидагича, Тошкент шаҳрида 90 та, қолган худудларда 76 та ни ташкил қиласди. Шу жумладан:

- Олий таълимдаги университетлар — 32 та;
- Олий таълимдаги институтлар — 48 та;
- Олий таълимдаги академиялар — 3 та;
- Олий таълимдаги консерваториялар — 1 та;
- Олий таълимдаги филиаллар — 26 та;
- Хорижий олий таълим ва унинг филиаллари — 30 та;
- Нодавлат олий таълим муассасалари — 26 та.

Олий таълим тизимини мукаммаллаштириш ва янада ривожлантириш бўйича давлатимиз томонидан бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, муҳтарам Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019-йил 8-октабрдаги фармонида мазкур соҳани ривожлантиришга қаратилган концепция тасдиқланиб, ижро этишга топширилди. Ушбу концепцияда олий таълим тизимининг ёрқин истиқболлари ва келгусидаги вазифалари белгилаб берилган. Мана, орадан 3 йил вақт ўтди. Ҳозирда натижалар қандай? Афсуски, ҳали бу ҳақида фахрлана олмаймиз.


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи, 19.10.2021 йилдаги 11-сон «Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори» Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида бўлиб, мазкур давлат стандарти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги 5-сон

«Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган³.

Ушбу Классификатор ЮНЕСКО (UNESCO) томонидан тадбиқ қилинган «Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси» (ТХСК 2011) ва «ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари» (ТХСК-С 2013) принципларига таянган ҳолда тузилган.

Классификатор бу— олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг тизимлаштирилган рўйхати. Ушбу класификаторда ўнта билим соҳаси кўрсатиб ўтилган.

Классификаторда таълим даражалари, билим ва таълим соҳалари, ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари саккиз рақамли код билан белгиланади. Код рақамлари қуйидагича ўқилади:



Олий таълимнинг халқаро стандарт классификациясига биноан таълим даражаси бакалавриат йўналишларида «6» рақами билан, магистратура мутахассисликларида «7» рақами билан белгилаш тасдиқланган.

Йўналиш — 6-даражаси (босқич) бу, касбнинг ўқув режаси ва фандастурлари бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан аниқ эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражасига оид касб фаолиятининг муайян бир турини бажаришни таъминловчи базавий ҳамда фундаментал билимлар, бундан ташқари ўқувлар ва кўникмалар комплекси;

мутахассисликнинг — 7-даражаси (босқич) касбнинг ўқув режаси ва фанлар дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан аниқ эгалланган ва унга бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятининг бирор бир муайян турини бажаришни таъминловчи мутахассислик бўйича билимлар ва кўникмалар комплексидир.

Кадрларга буюртмачиларнинг таклифлари асосида Олий таълим муассасаларида йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича классификаторига 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислигига буюртма берилиб ушбу йўналишлар класификаторга киритилди.

Магистратура босқичида талабаларининг 40,8 % гуманитар ва педагогик соҳаларда, 23,3 % ишлаб чиқариш-техник, 13,3 % ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ, 5,9 % қишлоқ ва сув хўжалиги, 13,5 % соғлиқни сақлаш ва ижтимоий

³ <https://lex.uz/docs/5701176>

таъминот, 3,2 % хизмат кўрсатиш билим соҳаларига оид таълим йўналишлари бўйича бугунги кунда таълим олмоқдалар.

Статистик маълумотларга қараганда 2021/22-ўқув йили бошига Республикадаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган чет эллик талабалар сони 5,1 минг нафарни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси ОТМларининг Жаҳондаги рейтинги

<https://www.webometrics.info/en/asia/uzbekistan>

Uzbekistan

ranking	World Bank	University	DeL	Impact Rank*	Openness Rank*	Excellence Rank*
1	3807	National University of Uzbekistan / O'zbekiston Milliy Universiteti	11057	2897	3285	
2	4226	Tashkent Institute of Irrigation and Agriculture Mechanization Engineers / Ташкентский институт инженеров и механизаторов	15718	3139	2991	
3	4651	Tashkent State Technical University Islam Karimov	15307	2933	3954	
4	4780	Tashkent University of Information Technologies Muhammad Al-Khwarizmi	10018	5542	4572	
5	5208	Karakalpak State University / Бирдак атындагы Каракалпак мамлекеттни университети	16863	2018	4958	
6	5562	Andijan State Medical Institute / Andijon Davlat Tibbiyot Institut	3721	1921	7190	
7	6024	Samarkand State University	12808	3312	6132	
8	6080	Jizzax State Pedagogical Institute	6378	1474	7190	
9	6253	Bukhara State University / Бухарский государственный университет	15773	2076	6132	
10	6456	Tashkent State University of Economics / Tashkent Davlat Iqtisodik Universiteti	11128	2340	6775	
11	6854	Urgench State University	17117	4232	5989	
12	7198	Tashkent State Pedagogical University	16453	3795	6283	
13	7489	Andijan State University	17245	3868	6283	
14	8574	Turin Polytechnic University in Tashkent	15558	7426	5873	
15	8789	Tashkent Medical Academy	13351	2706	7190	

2021 йил молиявий статистика бўйича таҳлил қилинганда Олий таълим муассасаларида фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим ойлик маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга ошди.

Шунга қарамасдан юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизимида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, булар:

- амалда ишлатиб келинаётган малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари мазмун жиҳатидан эскирган ва битирувчиларнинг амалий қўникмаларини шакллантиришга қаратилмаган, ўқув режаларида номутахассислик фанлари афсуски юқорилигича қолмоқда;

- бугунги кунда олий таълим муассасалари ва кадрлар буюртмачилари билан узвий ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар етарлича йўлга қўйилмаган, иш берувчиларнинг олий таълимда фанларни шакллантиришдаги иштироки етарли эмас;

- талабаларда мантиқий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ҳамда таҳлил қилиш қўникмалари яхши шакллантирилмаган;

- ишлиб чиқариш корхоналарида талабаларнинг амалий машғулотлари самарали ташкил этилмаган, тайёрланаётган мутахассислар малакавий даражаси ҳозирги замон меҳнат бозорининг талабларига етарлича жавоб бермайди;

-айрим профессор-ўқитувчиларнинг хорижий тиллар ва ахборот-коммуникация технологияларини билмаслиги сабабли уларнинг касбий маҳорати бугунги кун талабларидан мутлақо ортда қолмоқда;

-АРМларда ўқув адабиётлари етишмовчилиги сақланиб қолиб, мавжудларининг кўпчилиги замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди, ўқув адабиётларини сифат жихатидан яхшилаш, фанларга оид хорижий адабиётлардан қўшимча ёки муқобил ўқув дарсликлари сифатида фойдаланиш ишлари ташкил этилмаган;

-иқтидорли талаба ёшлар орасидан олий таълим муассасаларига имтиёзли талабаларни саралаб олиш механизмлари мавжуд эмас;

-олий таълимда ёшлар орасида маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларнинг миллий қадриятларимизга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий ғоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини олиб бориш, улар онгига ёт ғоя ва мағкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларни янада ривожлантириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон Фармони⁴, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг З-бобида олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгиланган.

Қўйидагилар олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

➤ мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, инсон капиталини меҳнат бозори талаблари асосида ривожлантириш;

➤ олий таълим билан қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг интеллектуал қобилияtlарини намоён этиши ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш;

Узоқ истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантириш қўйидаги устувор йўналишлар асосида амалга оширилади:

➤ олий таълим билан қамровни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш;

➤ таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

➤ олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фанинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

⁴ <https://lex.uz/docs/4545884>

- маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш;
- юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига кадрлар буюртмачиларини фаол жалб этиш;
- олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва барқарорлигини таъминлаш, моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;
- олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;
- коррупцияга қарши курашиш, шаффоффликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш;
- олий таълим тизимининг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, халқаро миқёсда танилиши ва рақобатбардошлигини таъминлаш.

Хулоса

1. Ўзбекистонда ҳам кейинги 5 йилда хусусий олий таълим муассасалари ва хорижий олий таълим муассасалариларнинг филиаллари сони кўпаяди. Бу, биринчидан, ўзимизнинг иқтидорли ёшларимизнинг чет элларга ўқиш учун чиқиб кетиши жараёнини пасайтиради, иккинчидан, давлат хусусий ва хорижий олий таълим муассасаларилар филиаллари ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтиради. Шундагина, табиийки, энг яхши мутахассислар ўзлари учун яратилган яхши шарт-шароити муносиб ва меҳнат ҳақи юқори бўлган муассасаларда ишлашни истаб қолишади.

2. Университетлар ҳузурида фаолиятининг асосий йўналиши таълим ва илм-фан ҳамда унинг натижаларини амалиётга жорий этиш ва тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган ваколатлар, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган хар қандай таркибий тузилмалар, университет қошида тижорат ва нотижорат ташкилотларни ташкил этиш ОТМ моддий базасини кучайтириб бюджетдан ташқари маблағни илм фанга йўналтиришга ва унинг ривожланишига ёрдам беради.

3. Дунёда етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан қўшма таълим дастурлари ҳамда илмий лойиҳаларни амалга ошириш ишларини олиб бориш, университет профессор-ўқитувчиларининг малакасини узлуксиз ошириш, ОТМ битиравчиларнинг Республика ҳамда хорижий олий таълим муассасаларида (илмий марказларда) магистратура ва докторантура дастурлари бўйича давомий таҳсил олишларини ташкил этиш йўлга қўйиш ОТМ нуфузини ва кадрлар салоҳиятини янада оширади

Таклифлар

1. Ҳозирги даврда ҳаёт жадаллашиб бормоқда. Давр ривожи ва тезкорликни, вақтни тежашни, бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажариш ва барчасига улгуришни тақозо этмоқда. Ушбу вазиятда, табиийки, баъзи ёшларимизда бир эмас, балки икки ва ҳатто учта касб ёки мутахассисликка эга бўлиш иштиёқи кучайиб бормоқда. Шундай экан, илмга чанқоқ бўлган ёш авлод,

бир неча мутахассисликни эгаллашни хоҳлайдиган ва ўз устида ишлайдиган ёшларимизга бир вақтнинг ўзида иккита мутахассислик бўйича таълим олиш имкониятини яратиб бериш;

2.ОТМ даги ёши 40 ёшдан ўтган профессор ўқитувчиларни хам чет элда малака оширишлари учун имкониятлар яратилса ва уларнинг хорижда малака оширишга кетган харажатлари қоплаб бериш;

3. ОТМ ларида хорижлик ва махаллий профессорларнинг онлайн зоом орқали ўтиладиган марузалари ҳам ўқув юкламаларига киритилиб уларга маълум миқдорда маблағ ажратиш;

4.ОТМда вилоятлар ва туманлардан келган профессор ўқитувчилар учун уйжой масаласи қўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

Ўбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.Sh.Mirziyoyev . Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi.

2. Sh.Mirziyoyev. Erkin Va Farovon Demokratik O'zbekiston Davlatini birlashtirishga barpo etamiz.

3. Sh.Mirziyoyev. Tanqidiy tahlil qatiy tartib-intizom va shaxsiy vobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bolishi kerak.

4. Sh. Mirziyoyev. Asarlar. 1-Jild. Milliy taraqqiyot yo'limizni qatiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2017 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрда давлатимиз раҳбарининг “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар.

1. Джуринский А.Н. «Сравнительная педагогика». - М.: Академия, 1998.-С.88.
 2. Большой толковый словарь русского языка. Современная редакция / под ред. Д.Н. Ушакова. - Москва: Дом славянской книги, 2011. - 960 с. С.168.
 3. Современный образовательный процесс: основные понятия и термины.— М.: Компания Спутник+. М.Ю. Олешков, В.М. Уваров. 2006.
 4. Диверсификация высшего образования в условиях социокультурного взаимодействия вуза и музея / Г.В. Ганьшина, Г.И. Грибкова, С.Ш.
 5. Умеркаева // Российские регионы: взгляд в будущее. - 2015. - № 4. - С. 87-
 6. Тельманова, А.С. Диверсификация роли школьного музея в социально-культурном пространстве [Электронный ресурс] // Вестник Кемеровского государственного университета культуры и искусств. - 2014. - № 28. - Режим доступа: Ше://С:/и8ег8/ивег/ЛррBa1a/Боса1/Тешр/774-1412571683.рё1
 6. Нагорная, О.С. Музейный менеджмент в современной Европе: вызовы среды, концептуальные подходы, практические решения / О.С. Нагорная // Вестник Совета молодых учёных и специалистов Челябинской области. - 2015. - № 1. - С. 38-46.
 7. Кротова Ю. Педагогика досуга в англоязычных странах. - СПб., 1994. - С. 160. 146.
- IV. Интернет сайтлар
1. <http://edu.uz>
 2. <http://lex.uz>
 3. <http://bimm.uz>
 4. <http://ziyonet.uz>
 5. <http://natlib.uz>
 6. <http://tmetod.uz>